

## **ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ РАСМИЙ БИЛДИРИШИ**

Ижтимоий тармоқларда “Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида қонунсиз ер сотилмоқда” мазмунидаги хабарлар тарқалмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги мазкур ҳолат юзасидан қўйидагиларни маълум қиласди.

Хабарда келтирилган маълумотлар Фарғона вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартибтаомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли қарорига асосан «E-IJRO AUCTION» орқали сотилиши белгиланган.

Ўрганиш натижалари бўйича Фарғона вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тақдим этган маълумотга кўра, шу кунга қадар Ўзбекистон тумани ҳудудида 101 та бўш ер майдони аукционга киритилган бўлиб, шундан б та ер участкаси аукцион орқали сотилган. Хозирги кунда аукционда сотувда 37 та бўш ер майдонлари савдога чиқарилган.

Шундан келиб чиқиб, хабарда келтирилган маълумотлар ҳеч бир ҳукуқий асос ва тасдиқка эга эмаслигини маълум қиласми.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-08-10 19:10:30